

---

## Туман ҳоқими тиббиёт ходимларини тақдирлади

Туман ҳоқими тиббиёт ходимларини тақдирлади

Шифокорлар ҳар даврнинг қаҳрамони ҳисобланади. Дунё яралибдики, инсонларнинг дардига дармон бўлгувчи ушбу шарафли касб эгалари ўз қадрини ва аҳамиятини йўқотмаган. Хусусан, ҳукуратимиз ҳам шифокорлик касбининг қадрини ошириш йўлида бир қатор ишларни амалга оширган ва амалга ошириб келмоқда ҳам. Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йилнинг 20 июнида қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йилнинг 26 августидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонун ҳам фикримизни исботлайди. Бу Қонун 2006 йил 12 сентябрда эълон қилинган бўлиб, унга кўра, ҳар ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини сифатида нишонланиб келинмоқда. Бутун туман тиббиёт бирлашмаси мажлислар залида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишдек улкан ва масъулиятли вазифани адо этаётган шифокорларни муборакбод этиш мақсадида тадбир ташкил этилди. Тадбирда туман ҳоқими С. Солиев, туман ҳоқими ўринбосари З. Умаров, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ҳамда тиббиёт соҳаси фидойилари иштирок этишди. Кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти ва алоҳида хизматлари билан ўрнатилган бир гуруҳ туман тиббиёт ходимлари туман ҳоқимининг "Фахрий ёрлик" ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2021-11-17 16:44:50